

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 август кундаги видео селектор йиғилишида Халқ таълими тизимига бўлган эътибор ва уни ривожлантириш бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан, Халқ таълими тизимини ривожлантиришга

## ТАКЛИФ

Президентимиз томонларидан Халқ таълими тизимига жуда катта эътибор қаратилмоқда ва ишонч билдирилмоқда. Бунга жавобан халқ таълими тизимида, халқимизнинг маънавияти, урф одатларидан ва шу билан бирга халқ таълими тизими ходимлари ҳозирги кунда нималарга қодирлигидан келиб чиқиб олдимизга аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олишимиз керак бўлади.

Халқимиз орасида мактаблардаги берилаётган таълимга нисбатан “Мактабда бераётган билими билан олий ўқув юртига кира олармиди, тайёрлов курсларига бориши керак” деган тушунча пайдо бўлган. Бундан ташқари қайсидир мактаб ўқувчиси олий ўқув юртига ўқишга кирса у ўқувчи фалон ўқув марказида тайёрланган эди шунинг учун ўқишга кирган деган тушунчалар мавжуд.

Мени таклифим халқимиз орасидаги мактабларда берилаётган таълимга бўлган ишончсизликларни йўқотишга қаратилган.

Бунинг учун биз биринчи ўринда фан ўқитувчиларини замонавий фикрлайдиган, фан ва техника янгиликларидан мунтазам равишда хабардор қилиб туриш, уларни билим саводхонлигини доимий равишда ошириш ва ўз устиларида ишлашлари учун аниқ йўлни белгилаб беришимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун Президентимиз тажрибаларидан келиб чиқиб вилоятдаги ҳар бир туманни ҳар бир фанлар кесимида ҳудудларга қараб тўртта секторга бўлиб чиқиш лозим. Бунда сектор раҳбарлари сифатида ҳудуддаги мактаб ўқитувчиларидан юқори билим салоҳиятга эга ва давлат тест маркази тестларини бемалол ишлашга лаёқатли ўқитувчилардан танлаб олинади. Бу танлаб олинган ўқитувчилар фанлари бўйича сектор раҳбарлари ҳисобланади. Улар ёрдамида тумандаги барча фан ўқитувчиларини бирданига давлат тест маркази тестларига тайёрлаш ва таълим янгиликларидан доимо хабардор қилиб туриш имкони мавжуд бўлади.

Бунда қуйидаги фанлардан сектор раҳбарларини танлаб олиш лозим бўлади:

Т/Н	Ўқитиладиган фан	Сектор раҳбарлари сони	Тайёрлов кунлари
1	Она тили ва адабиёти	4	Сешанба
2	Рус тили	4	Сешанба
3	Чет тили	4	Жума
4	Математика	4	Душанба
5	Физика	4	Чоршанба
6	Биология	4	Чоршанба
7	География	4	Пайшанба
8	Кимё	4	Чоршанба
9	Тарих	4	Пайшанба
		36	Изох: Фанлар метод кунлари ўзгарса ўзгариши мумкин

Юқорида кўрсатилган кунларда ҳар бир фаннинг сектор раҳбарлари ҳафтага 2 соатдан фан ўқитувчиларига давлат тест маркази тестларини ва халқаро PISA тестларини бажаришни ва таълим янгиликларини мунтазам равишда ўргатиб боради. Шу билан бир қаторда график асосида фан ўқитувчиларининг иш ҳужжатлари юритилишини ҳам назорат қилиб, учраган камчиликларини биргаликда бартараф этиб боришади.

Манашу тизимни ташкил этиб самарали иш олиб борсак, мактаб ўқитувчиларининг қупчилигида учраётган муаммо, мактаб программасига боғлиқ ундан четга чиқаолмаслик муаммоси бартараф бўларди. Ўқитувчилар давлат тест маркази тестларини мунтазам равишда фанлари бўйича сектор раҳбарлари билан бажариб борса, ўқувчиларимиз олий ўқув юртиларига кириш учун турли курсларга қатнамай мактабдаги фан ўқитувчиси билан шуғулланиш имконияти пайдо бўлади.

Бу тизимни йўлга қўйиш балки қийинчиликлар туғдирар лекин таълим тизимини қисқа, бир йил муддатда умумий ривожлантиришга олиб келади. Мактаб ва ўқитувчиларнинг обрўси халқ орасида икки қарра кўпроқ ортади.

Бундан ташқари фан олимпиадаларида ҳам ҳар бир сектор раҳбарлари ҳакамлар бўлиб иштирок этишлари ҳам мумкин бўлади.

Агар мактабларда юқори дарижада билими бор ўқитувчилар дарс ўтса, дарсни мазмунли юқори савияда ташкил этади, билимли ўқитувчисидан ўқувчилар ҳар қандай саволига жавоб топа олади. Фани бўйича билими бўлмаган ўқитувчи дарсларни олди қочди гаплар билан вақт ўтказишга ҳаракат қилади. Мактаблардаги ўқитувчиларимиз билимли булса ўқувчиларни ўқишга ва дарсларга бўлган қизиқиши ортади. Хозир ўқувчиларимизнинг кўпчилигида психологик томондан олиб қараганда боқимандалик кайфияти пайдо бўлиб буни натижасида дангасалик оқибатлари келиб чиқмоқда. Бу иллатларни фақатгина юқори замонавий фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга эга билимли фан ўқитувчилари бартараф этиб, уларни келажакка ва билим олишга бўлган қизиқишларини уйғота олишлари мумкин.

Агар шу ишларни қатъий тартиб қоидалар асосида тизимли йўлга қўйилса ўйлайманки мамлакатимиздаги таълим тизими қисқа фурсатларда юқори натижаларга эришади.

*Изоҳ: Юқорида таълим тизимини ривожлантириш режаси умумий кўрсатиб ўтилди. Режани амалга ошириш механизминини туманлар шароитидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаси ишлаб чиқилади.*

Ойбек Тўрамирзаевич Холмирзаев

Тел: +998911845434

e-mail: [oybekjon88@inbox.ru](mailto:oybekjon88@inbox.ru)